

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

_____ куни, _____ жиноят ишлари бўйича _____ йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, шу суднинг судьяси _____ раислигида, судья ёрдамчиси _____ котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Учтепа туман прокурорининг ўринборсари _____, судланувчи _____ ва унинг ҳимоячиси адвокат _____ иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан айбланган _____ оид 1-1007-2405/629-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

_____ 26.05.1972 йилда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ажрашган, 1 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, _____, 09.09.2024 йилда “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини 04.10.2024 йилда олган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи _____, 2024 йил 27 апрель куни ўзининг яшаш хонадони ҳисобланган _____, 8-уйнинг ҳовлисининг экин майдонига гул, райҳон ўсимликларини экиш мақсадида юмшатаётган вақтида, бегона ўтлар орасида алоҳида ажралиб турган, бўйи тахминан 15-20 сантиметр атрофида бўлган 1 туп тақиқланган экин ҳисобланган “каннабис” ўсимлигини гул тувакка ўтказиб, уни тагларини юмшатиб, сув қуйиб, парваришлаб, қонунга хилоф равишда экиб, етиштириб келаётганлиги 2024 йил 28 апрель куни яшаш уйида ўтказилган тинтув тергов ҳаракати давомида аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги _____ номидаги Республика суд экспертиза маркази суд-кимёвий ва биологик экспертизасининг 2024 йил 25 июнь кунидаги 9/18(5019)8.1Z/9682 ва 29/18(5019)12.1Z/9683-сонли хулосасига кўра, _____ хонадонидан ҳужжатлаштирилиб олинган 1 туп ўсимлик таркибида уйдан расмийлаштириб олинган, ўткир хидли ўсимликнинг умумий вазни 0,187 граммни ташкил қилиб, ундан 0,0006 грами “кодеин” ва 0,0004 грами “морфин” гиёвандлик воситалари эканлиги аниқланган.



Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, юқорида кўрсатилган манзилда акаси [REDACTED] оила аъзолари билан бирга истиқомат қилишлигини, ўзи оиласидан тахминан 15 йил олдин ажрашганлигини, у ҳозирги кунда вақтинчалик ишсиз бўлганлиги сабабли кунлик ишларда ишлаб кун кечирини, ховлиснинг экин майдонига уй-рўзғорда фойдаланиш учун турли хилдаги кўкатлар, гуллар экиб парваришлаганини, шу мақсадда 2024 йил 27 апрель куни яшаш хонадони ховлисига гул, райҳон экиш мақсадида ерини юмшатиб, бегона ўтларни чопганлигини, шу вақтда ўтлар орасида турган, чиройли гулга ўхшаш “кўкнор” ўсимлигини кўриб, уни кейинчалик ерга қайтадан экиш мақсадида ховлида турган бўш гултувакка экиб, сув қуйганлигини, 2024 йил 28 апрель куни соат 11:30ларда уни яшаш манзилига ўзларини Учтепа тумани ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари деб таништирган ходимлар келишиб, унга хизмат гувоҳномаларини кўрсатишганлигини ва у билан профилактик суҳбат ўтказишларини маълум қилишганлигини, шу вақтда улардан бири ховлида турган, бир кун олдин тувакка ўтказиб қўйган яшил рангли ўсимликни кўришиб, ундан ушбу ўсимлик қанақа ўсимлик эканлигини сўрашганлигини, шундан кейин у ИИБ ходимларига ушбу ўсимлик гул бўлса керак деб ерни юмшатиб бўлгач экиб қўйишлик учун олиб қўйганлигини, аслида ушбу ўсимлик “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги эканлигини билганлигини маълум қилганлигини, ИИБ ходимлари ушбу яшил рангдаги, бўйи тахминан 10-12 см. бўлган ўсимликни икки нафар холислар ва унинг иштирокида баённома расмийлаштириб олишганлигини, “кўкнор” гиёҳвандлик ўсимлигини алоҳида гул тувагига экиб, сўлимаслиги учун сув қуйиб келганлигини, илгари гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилганлигини, ҳозирда қилган қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилганлигини, илтимосномаси прокурор томонидан қаноатлантирилганлигини, шу сабабли ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини айбга келишувни тасдиқлаб, қонун доирасида енгиллик беришни илтимос қилишини билдириб кўрсатма берди.

Суд жараёнида судланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатма берган бўлса-да, унинг жиноят содир этишда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ айбли эканлиги, суд муҳокамаси давомида текширилган қуйидаги мақбул далиллар ва гувоҳларнинг берган кўрсатувлари билан тасдиқланади.

Суд жараёнида тарафлардан далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда руҳсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, юқорида келтирилган далилларни, далилларни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўтказишга оид қоида ва тартибга риоя қилинган ҳолда олинганлиги ва улар иш ҳолатларига тўғри келганлиги учун уларни ҳақиқий деб, улар судланувчи А.Рахимовнинг жиноий ҳаракатларини баҳолашда етарли ва мақбул далил деб ҳисоблайди.

Судланувчи [REDACTED] айби, тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, ашёни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечирини ва унга илова фотосуратлар билан,



суд-кимёвий ва биологик экспертизасининг 2024 йил 25 июнь кундаги 9/18(5019)8.1Z/9682 ва 29/18(5019)12.1Z/9683-сонли хулосаси, 12.07.2024 йилдаги №1596-сонли судга оид наркологик экспертизаси хулосаси, сўроқ қилиш баённомалари ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] “тақиқланган экинларни яъни таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштириш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 19-бандида “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда етиштириш учун ЖК 270-моддаси билан жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Етиштирилиши тақиқланган экин экиш деганда, бундай экинлар уруғини тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонига, шу жумладан, бўш ётган ерларга ёки мослаштирилган идишларга уруғини сепиш ёки кўчатини ўтқазиб тушунилиши лозим. Ушбу жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Айбдорнинг ҳаракатлари экин майдони ўлчамидан келиб чиққан ҳолда ЖК 270-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилинади, бунда қилмишни ушбу модданинг биринчи қисми билан квалификация қилиш учун экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метрдан кам бўлиши керак. Тақиқланган экинларни етиштириш деганда, униб чиққан ёки ўтқазилган кўчатларни уларнинг пишиш босқичигача бўлган давр ичида парвариш қилишни тушуниш керак. Агар шахс етиштирилиши тақиқланган экинни турли майдонларда ўстираётган бўлса, қилмишни квалификация қилишда амалда экилган умумий майдонлар ўлчамидан келиб чиқиш лозим”лиги тўғрисида раҳбарий тушунтириш берилган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида судланувчи [REDACTED] ўзига кўйилган айбловни тан олиб, далилларни инкор қилмасдан, жиноятни тергов қилишга кўмаклашиб, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган.

Судланувчи [REDACTED] томонидан айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномаси 09.09.2024 йилда Учтепа туман прокурори Б.Л.Шеранов томонидан қаноатлантирилиб, айблов хулосасини тасдиқлаб, ЖКнинг 57²-моддасига асосан ишни айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув билан бирга судга юборган.



Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбга иқрорлик тўғрисидаги илтимосномасини қувватлаб, келишув ихтиёрий равишда тузилганлигини, келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушуниб, унинг оқибатларини англаб етганлигини билдириб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 586¹-моддасининг 2-қисмида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув “гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлса, илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлса” тузилиши мумкинлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57²-моддасига мувофиқ, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Суд, судланувчи [REDACTED] айбга иқрорлик келишувини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг айбга иқрорлик келишувини тасдиқлаш ҳақидаги фикрларини эшитиб, [REDACTED] содир қилган жинойий ҳаракатларининг моҳиятини ва ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етганлигини, илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилганлигини, ўзига қўйилган айбловни ва иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмаслигини ҳамда айбга иқрорлик келишуви Ўзбекистон Республикаси ЖПК 586⁸-моддасига мувофиқ келишувни тасдиқлаган ҳолда айблов ҳукми чиқаришни лозим топади.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдум натижаларига кўра, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 3-4-қисмларида “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” - деб;

21-моддасининг 2-3-қисмларида “Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини



хамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин” – деб қайд этилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига мувофиқ, судланувчи А.Рахимовга нисбатан жазо тайинлашда, ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозим деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг тушунтиришига риоя қилиб, унинг шахсини, оилавий ва моддий аҳволини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноятнинг очилиши учун фаол ёрдам берганлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айб шакли ва даражасини, жиноят содир этилиш пайтидаги ва содир этилганидан кейинги ижобий хулқ-атворини, етказилган зарар қопланганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ЖК 57²-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

судланувчи [REDACTED] жазо тайинлаш билан бир вақтда уни гиёҳвандлик воситаси “каннабис”дан мажбурий даволанишга мухтож ёки мухтож эмасликларини муҳокама қилиб, суд-наркологик экспертизасининг 12.07.2024 йилдаги 1596-сонли хулосасига кўра, судланувчи [REDACTED] инг гиёҳвандлик воситалари (каннабис)дан мажбурий даволанишга мухтож эканлиги тўғрисида берган хулосасини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида яшаш жойи бўйича наркология диспансерида гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш мажбурлов чорасини қўллашни;

шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 9-банди талабларига риоя қилиб, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБда далилларни сақлаш хонасида сақланаётган, экспертиза тадқиқотида сарфланганидан қолган 0,115 грамм “кўкнори” гиёҳвандлик воситасини ЖПКнинг 211-моддаси 3-бандига асосан йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473, 586⁷, 586⁸, 586¹⁰-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

[REDACTED] билан тузилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.



██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57²-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 4 (тўрт) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ██████████ ██████████

██████████ ИИО ФМБ Пробация бўлими белгилаган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган ва жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини назорат қилиш ██████████

██████████ ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи ██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида жазони ўтаётган жойда гиёҳвандлик (каннабис)дан мажбурий даволаниш мажбурлов чораси қўлланилсин.

██████████ ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ даврида, жазоси ўташ тартибини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи ██████████ нисбатан танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, ашёвий далил Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБда далилларни сақлаш хонасида сақланаётган, экспертиза тадқиқотига сарфланганидан қолган 0,115 грамм “кўкнори” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида ██████████ суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация ██████████ суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

Аслига тўғри:

Л.П.Яхшибоев

